

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2015-yil 4-fevral, chorshanba
№ 10 (15856)



Bolalar sporti

ЮКСАЛИШЛАР ОМИЛИ

Бугун халқаро спорт майдонларида, илм ва фан беллашувларида, маданият ва санъат соҳаларидаги нуфузли танловларда Ўзбекистон ёшлари қўлга киритаётган ютуқларни кўриб, уларнинг руҳида тетиклик, кайфиятида кўтаринкилик ҳукмрон эканига, қалбида шижоат олови порлаб турганига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

(Давоми 3-саҳифада)

9-fevral — Alisher Navoiy tavalludi kuni

БАРЧА ХАЛҚЛАР УЧУН АЗИЗ НАВОИЙ

Буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикасида ҳам турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўз асарларида инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини теран ифода этган Алишер Навоий нафақат ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиётида ҳам улкан устоз сифатида улуғланади.

— Қорақалпоқ адабиёти равнақида муҳим ўрин тутган Алишер Навоий ижоди қорақалпоқ тилида ҳам кенг ўрганилади, — дейди Нукусдаги 5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулзор Мамбетмуратова. — Шоирнинг таржимаи ҳоли билан бирга, унинг ижодини ўқувчилар мароқ билан ўрганмоқда. Буюк шоир таваллуди муносабати билан адабий кечалар ва очик дарслар ўтказилмоқда.

— Шоир ижодини, у қолдирган бой адабий меросни ўқиб-ўрганиш, ёшлар қалбига теран сингдириб бориш туркман тилига ихтисослаштирилган қирқ бешта мактабда ҳам яхши йўлга қўйилган, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўқув-услугиёт маркази етакчи мутахас-

сиси Тиркашбой Байжонов. — Бошланғич синфларда ўқувчилар туркман адабиётининг ёрқин сиймолари Махтумқули, Мулланафас, Каминаларнинг устози бўлган Алишер Навоийнинг таржимаи ҳоли, унинг ижоди билан танишиб боради. “Алишер ва Булбул”, “Алишернинг болалиги” матнларини ўрганади. Юқори синфларда туркман тилида шоирнинг рубойлари, дostonлардан парчалар ўқийди. Адабий-бадиий кечаларда шоирнинг жаҳон адабиётидан муносиб ўрин олган, инсонларни комилликка етакловчи бебаҳо асарларидан намуналар ўқилиб, саҳна кўринишлари намойиш этилади.

Шоир асарларида ифодаланган фалсафий қарашлар бугун ҳам ёшларимизни Ватанин севишга даъват этиб, миллий маънавиятимизни янада бойитишга хизмат қилаётир.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА муҳбири

Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q

Кўхна тарих кўзгуси



Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекмузей» жамғармаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссияси, Хива «Ичанқалъа» давлат музей-кўриқхонаси ҳамкорлигида “Республика музейларининг ривожланиш истиқболлари” мавзuida илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Хива шаҳрида ўтказилган ушбу анжуманда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Камолiddин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти олим ва тадқиқотчилари, республика музейлари раҳбарлари иштирок этди.

(Давоми 7-саҳифада)

Zulfiya tavalludining 100 yilligiga

ҲАМОН СОФИНАМИЗ

“Ёшлиқдаги чағдастлик кетаркан-у, аммо ёш улғайгач, кишида бир фазилат — зукколик пайдо бўларкан. Дарвоқе, бу эҳтимол, ёшга ҳам қарамас. Ҳозирги баъзи ёшларимизга бир назар ташланг-а, улар шеърятга нақадар зукколик, забардастлик, баркамоллик билан кириб келишди... Эҳтимол, бу фақат шоирнинг ёшига боғлиқ бўлмай, адабиётнинг ёшига ҳам боғлиқдир” — Зулфияхонимнинг бир адабий суҳбатда айтган ушбу сўзларидан адабиёт гулшанига қадам қўйган истеъдод соҳибларини бағрикенглик билан қаршилаётган устознинг чексиз меҳри уфуриб турибди.

(Давоми 6-саҳифада)

Ilm sarhadlarida

ЭКОЛОГИК СОФ, АРЗОН ВА СИФАТЛИ

маҳсулот мутахассисларимиз
томонидан яратилди

Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти мутахассислари жамиятнинг турли соҳалари — озиқ-овқат саноати, транспорт, матбаа ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган чоксиз тўқима лента тайёрлаш усулини кашф этди.



Олимларимиз томонидан яратилган ушбу маҳсулот хориждан келтирилмаган нотўқима ленталардан экологик софлиги, арзонлиги ва сифатлилиги билан ажралиб туради.

(Давоми 5-саҳифада)



4

ОЗОД ВА ОБОД
ЎЗБЕКИСТОНИМ!



5

НОДИР АДАБИЁТЛАР
ЭКСПОЗИЦИЯСИ

ИМЗО ТЎПЛАШ ЖАРАЁНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Юртимизда сайлов қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури талаблари асосида бўлажак сайловга изчил тайёргарлик кўрилмақда.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга кўра, сиёсий партия ўзининг ваколатли вакилига Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилганидан кейингина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли. Унга қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партия сайлов қонунчилигига мувофиқ керакли ҳужжатларни Марказий сайлов комиссиясига топширган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун рухсат олган.

Бугунги кунда ушбу тўртта сиёсий партия — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Президентликка кўрсатиладиган номзодларни қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзосини тўплаш жараёни олиб борилмоқда.

Айни дамда сиёсий партиялар ҳар бир ҳудудий партия кенгаши ҳузурида сайловчилар имзоларини тўплашга масъул бўлган ишчи гуруҳларни ташкил қилишмоқда ҳамда имзо варақалари ўз вақтида тўлдирилиши ва тақдим этилиши учун республикамизнинг барча маъмурий-ҳудудий тузилмаларини

қамраб олишга эътибор қаратмоқда. Бундан ташқари, улар имзо тўплаш жараёни қонун талаблари асосида ўтказилишини сайловчиларга тушунтирмоқда. Қонунчилигимизга кўра, имзо варақаларини тўлдириш ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплаш сайлов кампаниясининг масъулиятли босқичи ҳисобланади. Бу босқичда сиёсий партия томонидан Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиладиган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчиларининг умумий сони камида беш фоизининг, камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма сайловчиларининг имзоларини қамраб олиши лозим. Бунда маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини йиғиши мумкин.

Сайловчилар фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо қўйишга ҳақли. Имзоларни тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилмоқда.

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Комиссия раиси М.Абдусаломов олиб борган ушбу мажлисда сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА 44ТА САЙЛОВ УЧАСТКАСИ ТУЗИЛАДИ

Унда республикамизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказувчи сайлов участкаларини ташкил этиш ҳамда сайлов кампанияси жараёнининг барча босқичларини ёритиш учун мамлакатимиз ва чет эл журналистларини аккредитациядан ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Сайлов қонунчилигига кўра, сайлов участкалари сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратишни ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим. Республикамизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузуридаги сайлов участкалари эса, Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Марказий сайлов комиссияси Ташқи ишлар вазирлигининг республикамизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларини тузиш тўғрисидаги таклифини кўриб чиқди ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Президент сайло-

вини ўтказувчи 44та сайлов участкасини тузиш ҳамда уларни 14-Тошкент шаҳар сайлов округига бириктириш ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу сайлов участкаларида сайловчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, жамоатчиликни сайлов кампаниясининг барча босқичларидан ўз вақтида хабардор қилишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти катта. Шу муносабат билан мажлисда мамлакатимиз ва чет эл журналистларини аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Марказий сайлов комиссиясига белгиланган тартибда мурожаат қилган оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сайлов тўғрисидаги қонунчилик талабларини инобатга олган ҳолда сиёсий партиялар томонидан тақдим этиладиган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун Марказий сайлов комиссияси ҳузурида ишчи гуруҳлари тузиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Жавлон ВАФОВ, «Turkiston» муҳбири

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича вилоят комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг соғлиги, таълим-тарбияси, ижтимоий муҳофазаси бўйича амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилинди.

Доимий эътибордаги масала

Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта ўзлаштириши, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши учун зарур шароитлар яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан экани алоҳида таъкидланди.

Маълумотларга кўра, ўтган йили вилоятнинг шаҳар ва туман комиссиялари томонидан назоратсиз ва қаровсиз қолган болалар аниқланиб, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш чоралари кўрилган. Жумладан, болаларнинг бир қисми васийлик ва ҳомийликка ҳамда фарзандликка олиниб, 60 нафари меҳрибонлик ва болалар уйларига, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилган.

Йиғилишда тизимда ҳали ечимини кутаётган муаммолар

ҳам мавжудлиги қайд этилди. Масалан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактабларининг айрим ўқувчилари томонидан ўтган йили қатор қонунбузарликлар содир этилган. Бу баъзи туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар томонидан профилактика ишлари яхши йўлга қўйилганидан далолат.

Вилоятда бу каби ҳолатларни бартараф этиш, комиссияларнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва унинг қуйи бўғинлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Тадбирда Бухоро вилояти ҳокими М.Эсонов сўзга чиқди.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎЗА муҳбири

Фарғона вилояти Тошлоқ тумани иқтисодий касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг ибратли ҳаёти, бетакрор ижоди – Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғулари, олижаноб инсоний фазилатлар юксак пардаларда тараннум этилган бадий асарлари миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Адлия вазирлиги 2014 йилдаги фаолиятига доир 93та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқди. Бу ҳақда вазирлик ахборот хизмати маълум қилди.

Хабарга кўра, ҳисобот даврида тизимда 3775та қонун ҳужжатлари лойиҳалари, 297та халқаро шартнома лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган, 317та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат рўйхатига олинган.

Самарқанд шаҳар хотин-қизлар кўмитаси қошида «Аёллар маслаҳат маркази» фаолият бошлади.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати М.Фафурова, Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси, сенатор Н.Рабимова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий мавқеини юксалтиришга изчил эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тошкентда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2014 йил якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Агентлик фаолиятининг асосий йўналишлари — республикада автомобиль транспорти хизматлари бозорида муносабатларни тартибга солиш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун яратилаётган шарт-шароитлар, хизматларни ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари, йўналишли транспорт тармоғи ривожини, автотранспортда юк ва йўловчи ташини фаолиятини лицензиялаш ҳамда лицензиялар томонидан лицензия талаб ва шартларнинг бажарилишини назорат қилиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан «Бандликни таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда ижтимоий шерикликнинг ўрни» мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди. Унда ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, маҳаллий ҳокимият органларининг ижтимоий шерикликдаги иштироки ва уни амалга ошириш шакллари каби масалалар муҳокама этилди.

Миллий ахборот манбалари материаллари асосида тайёрланди.



ЮКСАЛИШЛАР ОМИЛИ

**(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)**

Ўзбекистон деганда, бугун дунё аҳли нафақат Имом Бухорий, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темури, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур мирзо каби зотларни, уларнинг дунё илм-фани тараққиётига қўшган мислсиз ҳиссасини, балки боболари изидан бораётган салоҳиятли тенгдошларимизни, халқаро аренада юрт шаънини муносиб ҳимоя қилаётган машҳур спортчиларимизни кўз олдига келтиради. Буни ўтган йили жаҳон майдонларида қўлга киритилган соврин ва медаллар сони ҳам кўрсатиб турибди. 2014 йилда мамлакатимиз спортчилари халқаро мусобақаларда жами 849та медални қўлга киритди, уларнинг 266таси олтин медаллар экани, айниқса, эътиборлидир.

Бу биргина мисол холос. Ўзбек ёшларининг юксак салоҳиятидан дарак берувчи рақамларни узоқ келтиришимиз мумкин. Хўш, мана шу ютуқлар замирида нима ётибди? У қандай пойдеворки, ғалабалар, юксалишлар омили бўлмоқда?

Ватан, халқ шуҳратини дунёга тараннум этишда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёсдир. Жаҳон миқёсидаги турли нуфузли мусобақаларда ўзбек ёшлари эришаётган ғалабалар бу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданок юксак маънавиятли, теран тафаккур ва дунёқарашга эга, билимга чанқоқ, жисмонан соғлом, мухтасар айтганда, баркамол авлодни вояга етказишга муҳим ва устувор вазифа сифатида қаралди. 1992 йил 14 январда қабул қилинган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»-ги қонун бу борада дастлабки дадил қадамлардан бири бўлди. Шу йилдан эътиборан, юртимизнинг барча ҳудудларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи ёшлар учун кўплаб имкониятлар яратилди, иқтидорларини тўлиқ намоён этиши учун кенг йўл очилди.

Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан Болалар

спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани юртимиз спорти учун янги марралар зарварини очди. Болалар қалбида спортга меҳр-муҳаббатни уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида жамғарма томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Ўтган қисқа давр

2014 йилда юртимизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан 18та намунавий спорт объекти ва 73та мактаб спорт зали барпо этилди, 24та объектда қарийб 100 миллиард сўмлик реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

мобайнида мамлакатимиз болалар спортини ривожлантириш соҳасида муайян ютуқларга эришди ва бугунги кунда жойларда спорт тобора оммавийлашиб, унга қизиқиш ортиб бормоқда, эпчил, чаққон, мард ва жасур йигит-қизларимиз салоҳиятини дунё тан олмақда.

Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»-ги ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармонлари асосида амалга оширилаётган ишлар баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим ва самарали омили сифатида юксак самаралар бераётгани, юртимиз спортининг келажакдаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг воситасига айланганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Айни пайтда мамлакатимизда икки миллионга яқин ўғил-қиз спортнинг ўттиздан зиёд тури билан мунтазам

шуғулланмоқда. Юртимиздаги умумтаълим мактабларининг деярли барчаси янгидан қурилган ва реконструкция қилинган спорт залларига эга. Коллеж ва лицейлар замонавий жиҳозланган спорт заллари билан тўлиқ таъминланган. Буни Фарғона вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Вилоятда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2003 — 2014 йилларда 165та объект қуриб фойдаланишга топширилди. Шундан 138таси замонавий спорт иншооти эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Биргина ўтган 2014 йилда вилоятда учта спорт объекти, бешта мактаб спорт зали, олти мусика ва санъат мактаби, битта ёпиқ сузиш ҳавзаси қурилгани ва реконструкция қилингани халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсадини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлмоқда.

— Ўтган йиллар давомида вилоятимизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан йигирма тўртта янги спорт объекти қурилди ва йигирма бешта спорт иншоотида реконструкция ишлари олиб борилди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Фарғона вилояти филиали директори Маъруфжон Турдиматов. — Шунингдек, саксонта мактаб спорт зали ва тўққизта сузиш ҳавзаси болалар ихтиёрига топширилди. Янги қурилган ва реконструкция қилинган иншоотларга жами 40,4 миллиард сўм сарфланди. Бу каби ишлар навқирон авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратмоқда, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилаётир.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»-ги қарори асосида Фарғона вилоятида

2010 — 2014 йилларда жами 27та мусика ва санъат мактаби янгидан қурилди ва реконструкция қилинди. Бу ишлар учун жамғарма томонидан 49,8 миллиард сўм йўналтирилди. Уларда ёшларнинг мусика ва санъат борасидаги билими, иқтидорини шакллантириш, ўз истеъдод ва қобилиятларини тўлиқ намоён қилиши учун барча шароитлар яратилган. Бугун ўқувчилар анъанавий чолғу ижрочилиги, фортепьяно, торли чолғулар, рассомлик, театр санъати, халқ амалий санъати каби йўналишларда ўз маҳоратларини оширмоқда.

— Икки йилдан буён анъанавий чолғу ижрочилиги йўналишида таълим оламан. Ҳар бир машғулотда қандайдир янгиликни ўрганаман, — дейди Фурқат туманидаги 12-мусика ва санъат мактаби ўқувчиси Насиба Раши-

этиш, спорт мажмуаларида барча зарур шароитларни яратишга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик туфайли спорт билан шуғулланаётган ёшлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда вилоятда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизларнинг 61 фоизи, яъни 420 мингга яқини спорт билан шуғулланмоқда. Уларнинг 196 мингдан ортиғи қизлардир. Хотин-қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар доирасида барча туман ва шаҳарларда бадий гимнастика, енгил атлетика, сузиш, шахмат-шашка тўғрисида фаолияти йўлга қўйилган.

Ўтган йиллар мобайнида вилоятдаги болалар спорт объектилари қарийб 7,3 миллиард сўмлик анжомлар ва либослар билан таъминланди.

Интилиш ва изланиш бор жойда ютуқлар сони ортиб бораверади. Мамлакатимиз спортчиларининг халқаро майдондаги муваффақиятларида Фарғона вилояти вакиларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Бугунги кунда бокс бўйича ўсмирлар олимпиадаси ғолиби, ёшлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпиони Бектемир Мелиқўзиев, шахмат бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова, бокс бўйича Осиё ўйинлари ғолиби Элшод Расулов, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Ойбек Шарипов, Баҳодир Мамажонов, каноэда эшкак эшиш бўйича Элёр Мамадалиев сингари фарғоналик ёшлар мамлакатимиз фахри саналади.

Бир сўз билан айтганда,



дова. — Келажакда катта натижаларга эришиб, юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшмоқчиман. Бунинг учун бизга яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланишим, устозларим сабогини олиб, ўз устимда тинимсиз ишлашим лозим.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, уларни ўзи қизиққан спорт турларига кенг жалб

мамлакатимизда болалар спортга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик натижаси ўлароқ, юртимизда яратилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз олдида қўйган мақсадларни рўёбга чиқариш, жаҳон узра Ўзбекистондек қудратли юртининг муносиб фарзанди эканини исботлашга аҳд қилган, ҳар томонлама етуқ авлод вакиллари камолга етмоқда.

**Санжар ИСМАТОВ,
«Turkiston» муҳбири**

Ona yurt bo'ylab «sayohat»

Озоғ Ва обог Ўзбекистоним!

Олимлар, шоиру адибларга бешик бўлган Жиззах вилояти республикаимиз ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида ўзига хос ўрин тутди. Жиззах индустриал зонасининг барпо этилиши вилоятда саноат ривожини таъминлади. Замонавий бинолар, текис ва равон йўллар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари бугун ушбу вилоят қиёфасини белгилайди. Истиқлол шуқуҳи Жиззахлик юртдошларимиз кайфиятида акс этмоқда.



Jizzax viloyati

Илон ўтди дараси ёхуд Амир Темур дарвозаси. Сангзор дарёси бўйида жойлашган, Моргузар ҳамда Нурота тоғ тизмаларини ажратиб турадиган ушбу дара ўзига хос табиат мўъжизасидир.



Жиззах цемент заводи. Зафаробод туманида ишга туширилган ушбу корхона йилига 350 минг тонна оқ цемент, 760 минг тонна портланд цементи ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотларнинг 70 фоиздан ортиғи экспорт қилинади. Заводда меҳнат қилаётган 430 нафар ишчи-мутахассиснинг саксон фоизи маҳаллий ёшлар бўлиб, уларнинг аксарияти Жиззах политехника институти ҳамда коллеж битирувчиларидир.



Галлаорол туманидаги Авлиё қишлоғида жойлашган Саъд ибн абу Ваққос зиёратгоҳи.




Хумо куши — бахтиёрлик рамзи.



«Жиззах пласттекс» кўшма корхонаси. Лойиҳа қиймати 47 миллион АҚШ доллари бўлган, йилига 12 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, 10 минг тонна ип-калава, 12,5 миллион дона тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган мазкур йирик ишлаб чиқариш объектида минг нафардан зиёд коллеж битирувчиси меҳнат қилмоқда. Маҳсулотлар Эрон, Хитой, Италия, Испания, Польша, Туркия каби давлатларга экспорт қилинмоқда.



Темир дарахт. Жиззах тумани Поймарт қишлоғидаги Парпи ота зиёратгоҳига йўли тушганлар албатта мана бу дарахтни кўрмай кетмайди. У неча йиллардан буён саёҳатчию зиёратчиларни ҳайратлантириб келади. Дарахт томирлари тошлар орасини ёриб чиққан.



Зомин шаршараси — табиат мўъжизаси.



Президентимиз ташаббуси билан, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уйлар замонавийлиги, кўрки, энг муҳими, қулайлиги билан ажралиб туради. Сиз суратда кўриб турган мана бу уйлар Жиззах туманининг Учтепа кўргонида қурилган. Уларнинг соҳиблари ёш оилалардир.



Жиззах шаҳридаги «Evroazia Carpet» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган гиламларнинг доврўғи баланд.



Нурота давлат кўриқхонасининг катта қисми Жиззах вилоятида жойлашган. Ушбу кўриқхонада алоҳида муҳофазага олинган сут-эмизувчиларнинг ноёб тури — алқорлар бор. Нурота кўриқхонасидаги алқор эндемик тур бўлиб, фақат Ўзбекистондагина сақланиб қолган. Улар дунёнинг бошқа минтақаларида учрамайди.

«Turkiston» муҳбири Шоди ОТАМУРОД тайёрлади.

Андижон шаҳридаги вилоят “Баркамол авлод” болалар марказида “Анъаналар давом этади” шиори остида миллий хунармандлик маҳсулотлари фестивал-ярмаркаси ўтказилди.

Унда Андижон, Фарғона ҳамда Наманган вилоятларида миллий хунармандликнинг ноёб турлари билан шуғулланаётган ва уни ёш авлодга ўргатиб келаётган хунармандлар, жумладан, каштачи, чевар, кулоллар, зардўз, дўппидўз, пичоқчи ва дурадгорлар ўз ижодий ишлари билан иштирок этди. Фестиваль-ярмарканинг очилиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш.Турсунов, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Юнусова анжуман қатнашчиларини муборакбод этди. Андижонлик санъатшунос М.Юсупова, “Хунарманд” уюшмасининг Фарғона ва Наманган вилоятлари бошқармаларининг раҳбарлари И.Ҳамдамов, И.Каримов мамлакатимизда хунармандчиликни ривожлантиришга қаратилаётган имкониятлар ҳусусида ўз фикрларини билдирди. Шундан сўнг кўшни вилоятдан ташриф буюрган хунармандларга вилоят ҳокимининг ташақкурномалари топширилди.

Тадбир давомида «устоз-шогирдлик» анъанаси бўйича маҳорат сабоқлари ташкил этилди. Моҳир хунармандларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ўтказилди. Андижон педагогика, миллий хунармандчилик, санъат ва транспорт касб-хунар коллежларининг ўқувчи-қизлари томонидан либослар кўргазмаси йиғилганлар эътиборига ҳавола қилинди.

Миролим ИСАЖОНОВ

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Мазкур янгилик ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш мақсадида ихтиро муаллифларидан бири — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти «Тўқимачилик матолари технологияси» кафедраси муdiri, доцент Дилфуза Қодировага мурожаат қилдик.


— Ташувчи тасмалар инсон меҳнатини енгиллаштиради. Саноатимизда ишлатилаётган техник тўқима туркумидаги ташувчи ленталар асосан четдан олиб келинади. Бу тасмалар нотўқима матолардан ишлангани сабабли озиқ-овқат ва пахта тозалаш корхоналарининг истеъмол талабларига тўлиқ жавоб бермайди, —

дейди Дилфуза Қодирова. — Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарда қўлланилаётган тасмалар экологик тоза бўлиши, инсон саломатлигига салбий таъсир этмаслиги алоҳида аҳамиятга эга. Пахта тозалаш саноатида фойдаланиладиган тасмаларда эса иқлим шароитини ҳисобга олиш талаб этилади. Биз таклиф этаётган янги тасма мана шу

талабларга тўлиқ жавоб беради.

Олимларнинг маълум қилишича, ташувчи тасмаларнинг 50 сантиметрдан 500 метргача бўлган узунликдаги турлари мавжуд бўлиб, уларнинг нархи узунлигига қараб белгиланади. Четдан олиб келинаётган ташувчи тасмалар уч ой ичида яроқсиз ҳолга келмоқда. Натижада уларни кўп миқдорда сотиб олишга мажбур бўлишмоқда. Ўзбекистонлик олимлар тавсия этаётган тасмаларнинг яроқлилик ва экологик софлик хусусиятлари юқори. Чоксиз, табиий маҳаллий хомашёдан тайёрланган ушбу маҳсулотлардан икки йил давомида фойдаланиш мумкин.

— Биз ички истеъмолчилар талабини инобатга олган ҳолда ленталарни чоксиз тайёрлашга алоҳида эътибор бердик. Чунки ишлаб чиқариш корхоналари вакилларининг сўзига қараганда, озиқ-овқат маҳсулотларини ташишда чоклар орасига хамирлар-



нинг тўпланиб қолиши ва емирилиш ҳолатлари кўп кузатилмоқда, — дейди Д.Қодирова. — Импорт қилинган нотўқима ма-

Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлиги томонидан «Тўқима лентани тайёрлаш усули» учун Дилфуза Қодирова, Анвар Жўраев, Саидворис Раҳимходжаев, Сарвар Шариповдан иборат муаллифлар жамоасига № ИАП 04992 рақамли патент берилди.

толлардан тайёрланган тасмалар нон маҳсулотларини ташишда унинг таркибидаги маълум миқдордаги ёғ ва фойдали элементларни ўзига шимиб қоля-

ти. Тасмалар таркибидаги кимёвий толаларнинг мавжудлиги эса инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши аниқланган. Тўғри, кимёвий толалардан ҳам саноатнинг маълум қисмида фойдаланиш ўринли. Лекин инсон истеъмол қиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарда уларни ишла-тиш мумкин эмас.

Янги тўқима ленталар озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарига татбиқ этилмоқда.

Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Turkiston» муҳбири.
Рустам Назарматов олган суратлар

Adabiyotga e'tibor — ma'naviyatga, kelajakka e'tibor

Ўзбекистон миллий кутубхонаси музейида Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобур асарларининг кўргазмаси очилди. Буюк мутафаккир шоирларнинг таваллуд кунларига бағишланган экспозицияда 50га яқин ноёб қўлёзмалар ва босма нашрлар намойиш этилмоқда.

НОДИР АДАБИЁТЛАР ЭКСПОЗИЦИЯСИ



— Экспонатлар орасида хориж олимлари томонидан Навоий ва Бобурнинг ҳаёти, ижоди ҳақида яратилган илмий манбалар ҳам бор, — дейди Миллий кутубхонанинг қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар хизмати бош мутахассиси Ҳабибулло Нуриддинов. — Улар турли даврларга мансуб. Масалан, француз шарқшуноси Эрбло де Моливиль Бартелемининг 1776 йилда чоп этилган “Шарқ кутубхонаси” ёки “Универсал луғат” деб номланган асарини олайлик. Бу китобни Шарқ алломалари ҳақидаги ҳақиқий энциклопедия деб атаса бўлади. Британиялик тадқиқотчи Аннет Сусанна Бевериж таҳрири

остида ўтган аср бошида тошбосма усулда нашр қилинган “Бобурнома”нинг туркий тилдаги факсимилеси (нусхаси) ҳам қимматли экспонатлардан биридир.

Кўргазмага қўйилган қадимий китоблар орасида қўлёзмалар алоҳида аҳамият касб этади. Аслида уларни кўриш, мазмун-мундарижаси билан танишишнинг ўзи муҳим ҳодиса. Зеро, бундай адабиётлар кутубхона фондида махсус шароитда сақланади ҳамда очик муомалага деярли чиқарилмайди. Янги экспозиция Миллий кутубхонанинг барча фойдаланувчиларига, биринчи навбатда, ёшларга бундай имкониятни тақдим этди.

Шу кунларда кутубхона музейи одатдагидан анча гавжум.

Мана, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг бир гуруҳ талабалари (суратда) Навоий қаламига мансуб “Фаройиб ус-сигар” асарининг қўлёзма нусхасини катта қизиқиш ва ҳайрат билан томоша қилмоқда. Ахир, китоб ҳижрий 1284 йил, яъни XIX асрда яратилган. Муҳими, у нафақат қадимийлиги, балки ўз даврида юксак даражада ривожланган китобат ҳамда хаттотлик санъатининг бетакрор намунаси экани билан ҳам алоҳида эътиборга молик. Таъкидлаш керакки, дунёда биринчи бўлиб айнан мовароуннаҳрлик уста-хунармандлар китоб яратиш, шу жумладан, безаш ва муқовалаш технологиясига асос солган. Ушбу ўта мураккаб ва ноёб хунар тури дастлаб юртимиз ҳудудида шаклланиб (Самарқанд, Қўқон каби шаҳарларда қоғоз ишлаб чиқарилиши бунга ёрқин мисол), кейинчалик бошқа қитъаларга ёйилгани маълум.

Дарвоқе, бугунги кунда Ўзбекистон Миллий кутубхонасида нодир адабиётлар (улар жами 28 минг нусхани ташкил этади) сақланиб ҳамда ўрганилибгина қолмай, реставрация ҳам қилинмоқда. Мазкур кўргазма экспозициясидан замонавий мутахассислар меҳнати билан асл ҳолига қайтарилган айрим қўлёзма ва тошбосма китоблар ўрин олди.

Кўргазма февраль ойи якунига қадар давом этади.


Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» муҳбири.

Рустам Назарматов олган суратлар

ЭКОЛОГИК СОФ, АРЗОН ВА СИФАТЛИ

маҳсулот мутахассисларимиз томонидан яратилди

Асосан хориждан келтириладиган, ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланилаётган нотўқима ташувчи тасмаларнинг яроқлилик муддати уч ой. Ўзбекистонлик мутахассислар тайёрлаган ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилган янги, чоксиз тўқима ленталарнинг яроқлилик муддати ўртача икки йилни ташкил этади.



ҲАМОН СОҒИНАМИЗ

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Адабиётни бир яхлит вужуд сифатида англаган, унинг ботинию зоҳирига фақат покиза руҳ, эзгу мақсад ва ғоялар, табиий гўзаллик тилаган, раво кўрган шахс эди Зулфияхоним. Вақт-ли матбуотда, адабий журналларда ва янги нашр этилган китоблар орқали ёш қаламкашлар ижодини мунтазам кузатиб борарди.

“Мен бу кеча фалон шоирнинг янги чиққан китобини ўқидим. Шунақаям билимли, фикрлари бошқача”, — дея чин кўнгилдан қувонганларини, таассуротларини гапириб берганларини эсламан. Шундай пайтларда қалблари хайрат, қувонч, ҳавасга тўлиб тургани кўзларида акс этарди. “Мен бундай ёза олмайман, — деб қўшиб қўярдилар камтарлик билан. — Ҳозирги ёшлар жуда билимли, дунё адабиёти билан яқиндан таниш. Уларни асл ҳолида ўқийдилар, чунки хорижий тилларни яхши билишади-да!”. Кейин фикрларининг исботи учун ўша кеча ўқиш асносида ёдлаб олган сатрлар, бандларни такрорлаб қўярдилар.

Ҳойибдан ўша ёш ижодкорга меҳрлари товланарди, у билан яна ҳам яқинроқ танишиш иштиёқини яширмасдилар: “Мен шу шоирни бир кўра-ай...” — бу гаплари “Чақриб берсангиз” деган илтимоснинг ифодаси эди. Ёшлар билан узоқ-узоқ суҳбатлашардилар. Ўша пайтда ёзган асарлари устоз шоиранинг назарига тушиши, у кишидан табрик ва фикр-мулоҳазалар эшитиш аксарият қалам соҳиблари учун жуда катта воқеа эди.

Яна бир жиҳат: аксарият ҳолларда ёш ижодкорга матбуот саҳифасида эълон қилиниши учун “Оқ йўл” ёзиб беришни устозлардан илтимос қилинади. Зулфияхоним эса “ялт” этган сатрлардан аввало ўзи завқланар, бу ҳақда ён-атрофидагиларга сўзлар, ёш ижодкорнинг қалбига қанот бағишлайдиган сўзларни аямай саралар ва адабиётимиз чаманида яна бир бошқача ниҳол қуртак ёзаётганини мингминглаб адабиёт мухлисларига суюнчиламоқ мақсадида хатлар ёзар, оқ йўл тиларди (улар буни илтимос қилишлари шарт эмасди). Бу тилаклар, эътирофлардан шоиранинг ўша лаҳзалардаги туйғулари нечоғли самимий, рост, ишонч ва умид нурларига йўғрилганини англаш қийин эмас:

“Абдулла Орипов! Бу исмни ёзаяпман-у, вужудимга бир қувонч, гурур тарқайди. Мен Абдулла ҳақида батафсил ёзмоқчи эмасман, фақат унинг безовта қалбига, қуюнчак қалбига, шоир қалбига бир нигоҳимни “Нилуфар” журнали мухлисларига кўрсатмоқчиман, холос. Абдуллада, шубҳасиз, туғма ис-

теъдод бор. Шоирлик – дунёга улкан муҳаббат, бу муҳаббат унинг ўйчан нигоҳларидан ҳам сезилиб туради...”

“Эркин Воҳидов адабиётга кириб келган пайтларда, менинг ўзим уни бир учрашувда мажлис аҳлига таништира туриб, Ҳамид Олимжонга қиёс этгандим. Ушанда бундай қиёс табиий эди. Воҳидов маълум шаклга кирган, тиниқ шеърят сарпардасида қалам тебратарди... лекин тақлидчилик ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас эди, албатта...”

“...ёш шоиранинг исми билан ёдимга “Журъатли қизғалдоқ” ибораси келади... Қўтлибеканинг фикрлари журъатли. Унинг ҳаётга ўз нигоҳи бор. Бу – ҳаққоний нигоҳ. Шоиранинг сатрлари менга табиат манзаралари эмас, меҳр-муҳаббат сувратлари бўлиб туюлади”.

“Хуршид Даврон шеърларининг поэтикаси ҳам чиройли, оригинал. Унинг топган образлари узоқ вақт хаёлинига ёруғлик бериб туради...”

Зулфияхонимнинг “Ёшлар ижодига ҳаддан ортиқ баҳо бериш улар ижодига парвосизлик, эътиборсизлик билан қарашдай зарарлидир” деган фикрини ёдга олсак, юқоридаги эътирофлар нечоғли самимий ва чин дилдан айтилганини англаймиз.

Эҳ-ҳе, ўзимиз билиб-билмаган, қадрига етиб-етмаган тарзда нималарни ўргандиг-у, нималарни ўрганмадик Зулфияхонимдан! Ўз замонасининг қанчалар таниқли, дунёга машҳур шахслари билан давраларда ўзбек миллати номидан мулоқотда бўлган устоз республикамизнинг узоқ-яқинларидан қўлёмасини кўтариб келган ҳар бир ёшни бирдай диққат, эътибор билан тинглардилар. Бизни салобатлари босарди. Уйлари, дала ҳовлиларида икки-уч киши бўлиб суҳбатлашганда ҳам, катта учрашувларда ҳам шеърятга, адабиётга, инсонларга, умумбашарий фазилатларга муносабатлари, талаблари бир хил эди.

Зулфияхоним шахсини ибрат қилиб кўп гапиради. Аммо ўзимиз қай даражада ибрат олдик? Бу саволга тил билан дилнинг эътирофи мувофиқми? – Аллоҳ билгучи. Бундан бир неча йил муқаддам, яъни шоиранинг вафотидан кейин ўн йиллар ўтиб, шу савол атрофида мулоҳаза юритиб, Ўзбекистон Қаҳрамони, забардаст олим Озод Шарофиддинов “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида “Сизни соғиндим, Зулфия опа” деган сарлавҳали дил сўзларини эълон қилганди. Ҳамон соғинамиз..

Муҳтарама УЛУФОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият
ҳодими

Barkamol avlod

Бухоро вилоятининг Қоровулбозор тумани кундан-кунга чирой очиб бормоқда. “Ёш оилалар учун яқинда фойдаланишга топширилган янги уйлар, «Ёшлар маркази», жаҳон стандартларига жавоб берадиган «Гўзал» спорт мажмуаси, сузиш ҳавзаси, маиший хизмат кўрсатиш объектлари ва ишлаб чиқариш корхоналари замонавий иншоотлар қаторини тўлдирган бўлса, «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказининг янги биноси қоровулбозорлик ёшлар учун чинакам туҳфа бўлди.



Истеъдодлар интиладиган маскан

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралда қабул қилинган «Мақтабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида бунёд этилган ушбу марказ қурилишига 704 миллион сўм маблағ сарфланиб, у ерда ўқувчи ва мураббийлар учун барча қулайликлар яратилган. Ҳар бир тўгарак хонаси йўналишидан келиб чиққан ҳолда жиҳозланган. Ўғил-қизлар марказининг кенг ва ёруғ хоналарида компьютерда ишлаб, хорижий тилларни ўрганишти, пазандалик, дурадгорлик ва тикувчилик сир-асрорларидан хабардор бўлмоқда. Ўлкашунослик, бадиий ижодиёт, экология йўналишларида болалар қобилиятини ривожлантириш учун зарур шароитлар мавжуд. Марказда икки юз нафарга яқин ўқувчи тажрибали мутахассислардан ҳунар ўрганиб, билимларини мустаҳкамламоқда.

— Марказ бағрига ошиқаётган болажонлар сони кундан-кунга ортиб борапти, — дейди туман «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази раҳбари Раҳима Мусаева. — Уларнинг қизиқишлари ва интилишлари катта. Марказдаги тўгараклар сони ўғил-қизларнинг таклиф ва талаблари, ташаббус ва ғоялари асосида янада ошмоқда. Бу ерда келаётган фарзандларимиз дизайн ва компьютер графикасида ҳам ўз билимлар ва кўникмаларини оширмоқда.

Шу каби марказларнинг ташкил этилиши ўқувчи-ёшларнинг маданий, оммавий тадбирлардаги фаоллигини ошириш, бўш вақтини самарали ташкил этиш, иждоий қобилиятини ривожлантириш, юртимиз тарихи, археологик ва маданий мероси, экологияга оид билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда меҳнатсеварлик, касб тайёргарлигининг дастлабки кўникмаларини шакллантиришда

муҳим аҳамият касб этапти.

Амалга оширилаётган эзгу ишлардан ўқувчиларнинг оналарини ҳам хурсанд.

— Менинг фарзандим ушбу марказдаги тўқувчилик тўғрагида ҳунар ўрганипти, — дейди Бахтигул Турғунбаева. — Марказда ҳунар ўрганаётган қизим иқтидорини кўрсатиб, турли кўргазма ва кўрик-танловларда муваффақиятларга эришаётгани, бу, албатта, мамлакатимизда ёш авлодга қаратилаётган эътибор мевасидир.

Қоровулбозорнинг кўз тушса дил яйрайдиган манзилида қад ростлаган туман «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказида ободонлаштириш ишлари ҳам авжида. Эзгу ишларга доялик қилаётган масканда саранжом-саристаликка, кўкаламзорлаштиришга қаратилган ҳаракат ўғил-қизларимизнинг жаннатмакон юрда ўсиб-ўлғаяётганининг исботидир.

Лайло ХАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

“Kamolot” ko‘zgusi

Тасвирлаш учун тасаввур керак

Ҳаракатнинг Зарбдор тумани кенгаши ўқувчилар ўртасида «Камолот» — менинг тасаввуримда» мавзуида танлов ўтказди.

Унда мактаб ўқувчиларидан иборат «Ёш «Камолот»чилар», «Камолот» юлдузлари», «Камолот» билимдонлари» жамоаларининг билим, иқтидор ва қобилиятлари белгиланган шартлар асосида синовдан ўтказилди. Ўқувчилар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти акс эттирилган тикувчилик ва зардўзлик маҳсулотлари ҳамда расм ва буклетларини намойиш этди.

«Ёш «Камолот»чилар» жамоаси танлов голиби бўлди.

Шаҳзод ТУРСУНОВ

«Соғлом оила – соғлом келажак сари»

Шундай шиор остида Ҳаракатнинг Нишон тумани кенгаши спортсевар оилалар ўртасида мусобақа ташкиллаштириди.

Нуристон шаҳарчасида ўтказилган ушбу мусобақа иштирокчилари арқон тортиш, арқонда сакраш, қопда югуриш, дарвозага тўп киритиш шартлари асосида беллашди.

Мусобақа сўнггида белгиланган шартлардан муваффақиятли ўтган Элдор Байдавдовлар оиласи биринчи ўринни, Бекмурод Баратовлар оиласи иккинчи, Толиб Равшанов ва Зоҳид Эргашев оилалари учинчи ўринни эгаллади.

Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» мухбири

Кўхна тарих кўзгуси

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Музейлар — миллий, маънавий бойлигимиз. Музейларда аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг ноёб осори-атиқалар — тошёзув ва битиклар, кўлёмалар, тарих, адабиёт, санъат, илм-фан соҳаларига оид қимматбаҳо манбалар, ашёлар, нодир асарлар ва бошқа буюмлар келгуси авлодларни баҳраманд этиш мақсадида асраб-авайлаб сақланиб келинмоқда. Энг қадимги даврдан тортиб, бугунги кунгача улғ аждодларимизнинг ҳаёти, фаолияти, умр сабоқлари, халқ амалий санъати дурдоналари, юрт табииоти, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси музейларда ўзининг яққол ифодасини топган ва бу инсонни камолотга, маънавий етуқликка чорламоқда. Шу босидан ҳам мустақиллик йилларида музейлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга оид қатор қарорлар қабул қилинди. Кўплаб янги музейлар ташкил этилди. Жумладан, пойтахтимизда Темурийлар тарихи, Қатагон қурбонлари хотираси, Ўзбекистон Куролли Кучлари, Олимпия шон-шухрати музейлари, Термиз археология музейи, Самарқандда Улғбек расадхона-музейи, Хивада «Авесто» ва бошқа вилоятларда ҳам кўплаб янги музейлар фаолият юритмоқда.

Республика илмий-амалий анжуманида музейлар фаолияти билан боғлиқ кенг қўламдаги ишлар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди, ташаббус ва таклифлар ўртага



ташланди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги маданий-маърифий муассасалар, музейлар ва ахборот-ресурс марказлари бошқармаси бошлиғи А.Мирзороҳимов, Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи музейи директори Ж.Исмоилова, Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти музейшунослик кафедраси мудири К.Нишонова, И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи директори М.Бобоназарова, Навоий вилояти тарихий ўлкашунослик музейи директори Р.Эгамов, Шахрисабз шаҳар Амир Темур номидаги моддий маданият тарихи директори Н.Хушвақтов, Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей кўриқхонаси директори М.Бобоёров, Фарғона ўлкашунослик музейи директори Б.Ҳошимов, Хивадаги «Ичанқалъа» давлат музей-кўриқхонаси директори Б.Давлатов

сервис хизматларини такомиллаштириш, соҳага қўйилган замонавий талаблар, янги ташкил этиладиган музейлар ва кўргазмаларнинг мазмун-моҳияти, жаҳон музейшунослигида қўлланилаётган инновацион лойиҳаларни татиқ этиш, археология ва этнография соҳасидаги ишларни жадаллаштириш, музейларда ёшларга оид давлат дастури ижросини таъминлаш каби муҳим мавзулардаги маърузаларида галдаги долзарб вазифалар хусусида гапирди, ўзаро тажриба алмашилди. Семинар доирасида музейлар фаолиятига оид қарорлар ижросининг изчиллигини таъминлашда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишларга эътибор қаратилди.

Семинар аҳолини мамлакатимизнинг бебаҳо ва бетакорр мероси билан яқиндан таништириш, ёшларни она Ватан ва аждодлар меросига муҳаббат руҳида тарбиялаш, мустақиллик инъом этган муқаддас туйғуларни ардоқлаш, сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшиш борасидаги ишларни янада жонлантиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Семинар иштирокчилари Хивадаги тарихий ёдгорликларни томоша қилди.

Семинарда Маданият ва спорт ишлари вазири вазифасини бажарувчи Б.Аҳмедов, вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Ш.Мадаминов иштирок этди.

Абдулла САФОВ



Farzandlari sogʻlom
yurt — qudratli boʻlur

Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маърифат марказида «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши таълим муассасаси» ва «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши ўқитувчи» республика танловларининг якуний босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари ҳамда ўқувчилари иштирок этди.

Ҳарбийликка қавас

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқув дастурига киритилган чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқувчи-ёшларни эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашга, уларнинг фуқаролик бурчини бажариш учун тайёргарлигини оширишга хизмат қилаётир.

Мазкур фанни ўқитиш кўп жиҳатдан ўқитувчининг касб маҳоратига боғлиқ. Бинобарин, ҳарбий хизматга чақириладиган ўғлонлар айнан чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанида тобланади.

«Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши таълим муассасаси — 2014» танловида Қибрай энергетика касб-хунар коллежи биринчи, Қўқон автотранспорт касб-хунар коллежи иккинчи, Тошкент тўқимачилик ва энгил сааноат институти қошидаги академик лицей ҳамда Навоий кончилик касб-хунар коллежи учинчи ўринга муносиб деб топилди.

«Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши ўқитувчи» танловида эса Ургант савдо ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқитувчиси Нажмиддин Қосимов биринчи ўринни эгаллади. Хўжаобод педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқитувчиси Азизилло Бўтаева иккинчи, Наманган муҳандислик-педагогика институти қошидаги 2-академик лицей

ўқитувчиси Ақром Йўлдошев ҳамда Урганч санъат коллежи ўқитувчиси Каримбой Раҳмоновга учинчи ўрин насиб этди.

— Ўқувчиларнинг ушбу фанга бўлган қизиқиши йилдан йилга ортиб борапти, — дейди Хўжаобод педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежининг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси Азизилло Бўтаев. — Уларнинг олган назарий ва амалий билимлари муқаддатли ҳарбий хизматни ўташда катта ёрдам беради. Ушбу дарслар давомида ёшларимиз ҳарбий қисмларда бўлиб, ҳақиқий армия ҳаёти билан танишмоқда. Коллежимизнинг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик хонаси барча зарур жиҳозлар ва техникалар билан таъминланган. Бу эса биз, муаллимларни янада ғайрат-шижоат билан ишлашга ундайди.

Совринли ўринларни эгаллаган таълим муассасалари ва ўқитувчиларга ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари, фахрий ёрлик, «Ўрта махсус, касб-хунар таълими аълочили» кўкрак нишонлари ҳамда кўчма кубок топширилди. Куролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг дилтортар куй-қўшиқлари эса ғолибларга байрамона кайфият бағишлади.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

БИТИРУВЧИ ИШ БИЛАН БАНД

Мамлакатимизда ёшларни, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга устувор масала сифатида қаралмоқда. Шу мақсадда ташкил этилаётган меҳнат ярмаркалари, банклар томонидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган йигит-қизлар учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар муҳим аҳамият касб этаётир.

— Марказимизда коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида алоҳида тизим яратилган, — дейди Навоий шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини

ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бўлим бошлиғи Ҳамидулла Уматов. — Мунтазам равишда ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларида улар бўш иш ўринлари

ҳақида маълумотларга эга бўлмоқда. «Коллеж-корхона-битирувчи» ўртасидаги уч томонлама шартномалар эса баъзи ўқувчиларга ўзлари амалиёт ўтаган ташкилот, корхона ёки муассасага ишга жойлашиш имконини берапти. Ўз бизнесини йўлга қўйиш истагидаги ёшларнинг лойиҳалари тижорат банклари томонидан қўллаб-қувватланиб, уларга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

— Мутахассисларимиз

аниқ белгиланган режа асосида вилоятимиздаги барча касб-хунар коллежларида тадбиркор бўлиш истагида юрган ёшларга кичик бизнес соҳасида яратилаётган қулайликлар, банклар тақдим этаётган имтиёзли кредитлар хусусида маълумот бермоқда. Бу тадбиркор ёшлар сафининг кенгайишига хизмат қилади, — дейди «Микрокредитбанк» АТБ Навоий вилояти филиали кредит бўлими бошлиғи Суннатилло Маҳмудов.

Навоий кончилик коллежида 1600 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Ўтган йили муассасани 15та мутахассислик бўйича битирган 754 нафар йигит-қизнинг деярли барчаси иш ўрнига эга бўлди. Коллежда ҳар бир ўқувчи билан «устоз-шоғирдлик» аънарасига таянган ҳолда иш олиб борилади. Амалиёт дарсларида ўқувчилар устозларидан ўз мутахассислиги бўйича сабоқ олиш баробарида, корхона ва ташкилотларга ишга

йўналтирилмоқда.

Шаҳзод Эркинов Навоий кончилик коллежининг 3-курс ўқувчиси. У ўз соҳасининг етуқ мутахассиси бўлиш истагида.

— Коллежда ўзим хоҳлаган мутахассисликни танладим. Дарсларнинг амалиёт билан уйғун ҳолда олиб борилиши билан кўникмаимизнинг янада мустақамланишига туртки бўлаётир. Иш жойим ҳам тайин. Таълим муассасасини тамомлаган, Навоий металлургия комбинатида иш фаолиятимни бошлайман, — дейди Шаҳзод Эркинов.

Отабек АСЛОНОВ,
«Turkiston» муҳбири

Hunari borning — xazinasi bor



Кўшкўпирлик Дилфуза Кўчкова «Хунармандлар кўргазмаси» кўрик-танловида ўзининг қадимий Хива гиламлари намуналари билан иштирок этди. 2013 йилда «Тикланиш йўлида»

деб номланган шахсий кўргазмасида эллика яқин ижодий ишлари намойиш қилинди.

Асоси пахтадан, толаси эса жундан тўқиладиган ушбу нақшинкор гиламлар миллий

ва замонавий кўриниши билан мутахассислар эътиборини жалб этмоқда.

Рустам Назарматов
фотолавҳаси

Sport

Ўзбек ўғлони — шоҳсунга

Франциянинг Париж шаҳрида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича аънанавий «Paris Grand Prix» халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз шарафини эркин курашчимиз Рашид Қурбонов ҳимоя қилди.

Кувонарлиси, 74 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан полвонимиз турнирнинг бош совринини қўлга киритди. Финалда юртдошимиз россиялик Осман Исаковни 10:2 ҳисобида мағлуб этди.

Эслашиб ўтамыз, Рашид Қурбонов ўтган йили Жанубий Кореянинг Инчэон шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида олтин медални қўлга киритган эди.

Халқаро кортдаги ғалаба

Қозоғистоннинг Ақтобе шаҳрида теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилган халқаро турнир ўз якунига етди.

Мусобақанинг жуфтлик баҳсларида иштирок этган ҳамюртларимиз Албина Хабибулина ва Полина Меренкова барча рақибларидан устунлигини намойиш этди. Теннисчиларимиз

турнирнинг финал учрашувида қирғизистонлик Ксения Палкина ҳамда нидерландиялик Эва Ваканно жуфтлигини 6:2, 7:6 ҳисобида енгиб, бош совринга сазовор бўлди.

Мерганларимиз муваффақияти

Кувайтда пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича ўтказилган Гран-при турнирида терма жамоамиз аъзолари Вадим Скороваров ва Маргарита Орлова энг юқори кўрсаткичларни қайд этиб, олтин медаль соҳиби бўлди.

Маргарита Орлова 10 метр масофадан пневматик милтиқдан ўқ отиш мусобақасида муваффақиятли иштирок этди ва 411,5 очко билан биринчи ўринни эгаллади. У ушбу турнирда

голиб бўлиш билан Мексика ва АҚШда бўлиб ўтадиган жаҳон кубогига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ўтган йили ҳамюртимиз Жанубий Кореяда ўтказилган Осиё чемпионатида 400 имкониятдан 396 очко йиғиш орқали халқаро тоифадаги спорт устаси макomini олган эди.

Эркаклар ўртасида Вадим Скороваров ҳам 10 метр масофада пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича ўтказилган мусобақада 619,6 очко жамғариб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Санжар ИСМАТОВ,
«Turkiston» муҳбири

Хазина

Алишер Навоий

Туюқлар

Ё қориниңдин неча бир ўзг кўз тутаи,
Отки, ўтрусига алинг кўз тутаи.
Неча кўргай ўзга маъналар қилин,
Ўнги оё кўргай қилиндек кўз тутаи.

* * *

Ўткази ул сарви гулрӯк сориқдин,
Ўзг хабар ул сарви гул рӯҳсориқдин.
Хажриқдин боғ ира берур ёғдила
Холатиқдин сарву гул рӯҳсориқдин.

* * *

Ўнги ишқинг ёрасидур бутмаған,
Дарғини зар қилма айтиб бутмаған.
Хажр сазросидур озми ўтиқдин,
Ўнда гул ёғуд гўёе бутмаған.

УМАРШАЙХ МИРЗО ТАЪРИФИ

«БОБУРНОМА»ДАН

Шакл-шамойили: паст бўйли, юмалоқ соқолли, сарғиш юзли норғил киши эди. Тўнни роса тор кияр эди. Шунчаликки, белбоғ боғлаганда қорнини ичига тортиб боғлатар, боғлагандан сўнг ўзини қўйиб юборса кўпинча боғлари узилиб кетарди. Киймоқ ва емоқда бетакаллуф эди. Саллани дасторпеч (махсус салла ўрайдиган киши) ўраб қўярди. У замонда саллалар бутун тўртўрама бўларди. Текис чирмаб, учини осилтириб қўярдилар.


Яхши саводи бор эди. «Хамсатайн» (Низомий Ганжавий ва Амир Хисрав Дехлавий «Хамса»лари), дostonлар ва тарихларни ўқир эди...

Шеърли истеъдоди бор, бироқ шеър ёзишга қўн қилмасди. Адолати шу даража эдики, Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг пастида Хитойдан келаётган минг қорамоллик қарвонни шундай қор босдики, икки киши қутулиб қолди, холос. Хабар топиб, одамларини юбориб қарвоннинг ҳамма нарсаларини йиғдирди. Ўша пайтда ворислари бўлмаганидан, эҳтиёт юзасидан сақлаб, бир — икки йилдан сўнг Самарқанд ва Хуросондан ворисларини суриштириб, топтириб келтириб, молларни эсон-омон топширди.

Ғоят саховатли эди. Хулқи ҳам саховатича бор эди. Хушхулқ, ҳазилкаш, гапга чечан ва ширинсўз киши эди. Шижоатли ва мардона киши эди.

Икки маротаба жангда ўзи барча йигитларидан ўзи қилич чопти: бир маротаба Аҳси дарвозасида, яна бир маротаба Шоҳрухия дарвозасида. Ўқни ўртача чоғлиқ отар эди. Мушти жуда қаттиқ эди, унинг муштидан йиқилмаган йигит йўқдир. Юрт олиш дағдағаси туфайли анча ярашлар урушга ва дўстликлар душманликка айланарди.

...Хушсухбат киши эди. Бирор баҳона билан хўб шеърлар ўқирди.



Ўзбекистоннинг ўтган асрадаги энг кучли футболчиси (Геннадий Красницкий ва Миржало Қосимов билан бирга) Биродар Абдураймовни халқимиз суйиб, ҳар бир мухлис ўзига дўст-биродар тутиб, шу исм билан атаган. Маншур футбол юлдузининг асл исми қилмигини айтинг.

Жавобингизни 6 февраль соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади. Саволларга энг кўп тўғри жавоб топган муштарийлар йил якунида қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

6 километр.

Сирдарё вилояти Ховос туманидан Баҳодир Номозов тўғри жавоб йўллади.

Тлафаккур қилмондан бир қатра

Дунё (юрт) ободлиги тўртта нарса сабабидан: раҳбарлар адолати, олимлар илми, бойлар саховати, муҳтожлар дуоси.

Абу Ҳомид Ғаззолий

МУАССИС

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам
билан рўйхатдан
ўтган.

ISSN 2010-6996



9 772010 699000

БОШ МУҲАРРИР

Каримов
Фахриддин Турдалиевич

Тахрир хайъати

Баҳодир Ғаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонov (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир

Исматов
Санжар
Иброҳимович

Саҳифаловчи

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида, А-3 форматда
чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок.
Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-256.
Адади — 11261

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.30
ЎЗА якуни — 22.50

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5